



Ishonch

ШУ ТУПРОҚДА
туғилиб, шу юртга
меҳнати сингган ҳар
бир инсон — агар у
буюк Ватанимиз,
табаррук тупроғи-
мизни худди биз
каби муқаддас бил-
са, Ўзбекистон
фуқароси деб
саналишга
ҳақлидир.
Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон касба uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Янги кун янгиликлари


НАВОИЙ
Тадбиркор Устам Эрманов банкдан 75 млн. сўм кредит олиб, Зарафшон шаҳри деҳқон бозори ёнидаги 15 сотих ташландиқ майдонда «Нафис реал март» масъулияти чекланган жамиятини ташкил этди ва кўпчиликнинг дидига мос мебел ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Ванғози қишлоғида жойлашган «Ванғози кардон экспорт» масъулияти чекланган жамияти томонидан кардон ва кардон қўтилар ишлаб чиқарила бошланди. Корхона раҳбари Адиз Саломовнинг айтишича, Ҳиндистондан келтирилган дастгоҳларнинг тўла ишга тушиши ил учун 120 млн. сўм маблағ и сарфланган. Айни пайтда 10 нафар ишчи кунига 5000 дона маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида 187 млн. сўмлик маҳсулот истеъмолчиларга етказиб берилди.

Қизилтепа туманининг Бўстон қишлоқ фуқаролар йиғинида эркаклар оёқ кийимлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган «Асл пойабзал» хусусий корхонаси ишга туширилиб, шу ерлик 8 нафар ёш ишли бўлди. Тадбиркор Меҳридин Яхшиев ўз ҳисобидан 40 млн. сўм сарфлаб, Россия технологиясини ўрнатди. Бу ерда ҳар кун 40 жуфтдан сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилаётди. Маҳаллий хомашёлардан тайёрланаётган маҳсулотлар тури янада кўпаяди.

КАШҚАДАРЪ
Қарши шаҳрининг Шейхали кўрғонида янги «Тоғмаҳал» маҳалласи қад ростилайдиган бўлди. — «Ўшаҳарсозлик ЛИТИ» ОАЖ билан келишилган лойиҳа бўйича бу ерда 180 та бир ва икки қаватли яққа тартибдаги турар-жой бинолари барпо этилади, — дейди шаҳарнинг бош меъмори Зебо Жалилова. — Шу билан бир қаторда спорт-соғломлаштириш мажмуаси, маҳалла маркази, тўксон ўринли болалар боғчаси, тўйхона ва супермаркет, маиший хизмат уйи ҳамда маданият ва истироҳат боғининг қурилиши кўзда тутилган.

ЖИЗЗАХ
Жиззах шаҳар ҳокимлиги, прокуратураси, бандаликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши ҳамкорлигида Бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Унда шаҳардаги корхона, ташкилот ва муассасалар 260 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Иштирокчилардан 183 нафарига йўллама берилди. 26 нафар касб-хўнар эгалларга йўналтирилди. 102 нафарига хукукий маслаҳатлар берилди. Касб-хўнар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш юзасидан корхона, ташкилотлар, касб-хўнар коллежлари маъмурияти ўртасида уч томонлама шартномалар имзоланди.



«Биз — бунёдкор халқимиз» танловига



Бухорога бориб темирчи-қандакор уста Шоқир Камоловни суриштирсангиз, ҳеч қийналмай топасиз. Чунки уни катта-ю кичик бирдай танийди ва ҳурмат қилади. У темирчи-қандакорлар сулоласининг олтинчи авлоди. Уста Шоқир Камолов айни дамда бундан 70-80 йил олдин Бухоро усулида ясалган, чучвара солиш учун мўлжалланган лаганга нақш солаётди. Бу тарихий лаганнинг гулларини уста Шоқир Камолов чизган бўлиб, у нафақат юртдошларимизнинг, балки чет эллик меҳмонларнинг ҳам ҳайратига сабаб бўлмоқда.

«Қариси бор уйнинг париси бор» дейди халқимиз. Уста Шоқир Камолов ҳам хонадонини, ҳам устахонасини яшнайтиб ўтирган пиру бадавлат отахонлардан ҳисобланади. Устахонасига кирсангиз, қўл меҳнатида яралган темирчилик маҳсулотларини кўриб ақлингиз шошади. Шоқир отанинг ўғиллари — Исқандар, Шавқиддин, Закиддин Камоловлар отанинг энг яқин суянчи. Эл хизматида отаси билан елкама-елка хизмат қилаётган фарзандларни кўриб ҳавасингиз қолади. Хунари бор элда азиз эканлигига иймон келтирасиз.

Назира БОЙМУРОВА олган сурат

Матбуот анжумани Ёшлар ишли бўлмоқда

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ўтказиб келинаётган матбуот анжуманларининг навбатдагиси «Ёшлар, шу жумладан, касб-хўнар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларини иш билан таъминлаш масалалари» деб номланди. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ўрта махсус, касб-хўнар таълими маркази вакиллари маърузалари тингланди.

— Битирувчилар 430 минг нафардан ортиқ бўлиб, бугунга қадар 394 мингдан зиёд ўқувчи учун ишлаб чиқариш амалиётларини ташкил этиш ва уларнинг ишга жойлашишига кўмаклашиш мақсадида 101 минг 117 та корхона ва ташкилот билан уч томонлама шартнома тузилган. — деди Ўрта махсус, касб-хўнар таълими маркази директорининг ўринбосари З.Худойбердиев. — Бундан ташқари, битирувчиларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун

тижорат банклари томонидан 21,5 млрд. сўм имтиёзли кредит ажратиш жадвали ҳам тасдиқланди. Мавзу юзасидан қизғин савол-жавоблар бўлди. Ўрта махсус билим юрти битирувчиларининг таълим даврида олган билимлари сифати, олий ўқув юртлирига кириш коэффициенти, уларни ишга жойлаштириш масалалари ҳам эътибордан четда қолмади.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ

Бугуннинг гапи

Ер юзидаги барча ўлмас обидалар, инсоният ҳаётини тубдан ўзгартириб юборган жамки улуғ кашфиёт ва ихтиролар, мумтоз санъат ва адабиёт намуналари, мардлик ва қаҳрамонлик намуналари одамзотнинг ақл-тафаккури, салоҳияти ва маънавий жасорати маҳсулидир.

Ислом КАРИМОВ

Маънавий жасорат — энг буюк жасорат

Жасорат — фидойиликнинг амалий кўриниши. Бундай фидойилик мустақиллик йилларида мамлакатимизда Ватан тараққийоти, халқ фаровонлиги йўлидаги тинимсиз меҳнат ва сай-ҳаракатларни баҳолашнинг асосий мезонига айланди. Ҳўш, бугунги осуда ҳаётда жасорат нимада кўринади? Авваламбор, маънавий жасоратда! Ҳар кун, ҳар соатда маънавий жасорат учун зарурат бор. Бунинг учун инсонда туғма ташаббускорлик бўлиши лозим.

Маънавий жасорат болалик тарбияланган муҳит ҳамда тарбияга кўп жиҳатдан боғлиқ. Шу сабабли бугунги кунда юртимизда маънавий жасоратга қодир ёшларни тарбиялашда оила, маҳалла, таълим-тарбия каби ижтимоий институтлар муҳим ўрин тутаяди. Болани ёшлигидан жасур қилиб тарбиялашнинг усуллари кўп. Биттаси — ўғил-қизларимизни ўзидаги кўрқув, иккиланши, журъатсизликини енгишга ўргатиш. Масалан, бола қоронғуликдан кўрқадими дейлик. Албат-

та, уни қоронғуликка ўргата туриб бориш лозим. Охири-оқибат кўрқувнинг асосий эканини тушунадиган бўлади. Шунингдек, дарсни гапириб беришга уяладиган ўқувчи ва талабаларни кўпроқ очик сўз талаб қилинадиган, бошқаларга бирор нарсаларни тушунтириш билан боғлиқ вазиятларга солиб, синаган маъдул. Елғончи болалар эса ростлик тақозо қилинадиган ҳолатларга тушиб тарбия топадилар.

(Давоми 4-бетда)

Бўлажак мутахассисларга ваимхўрлик

Назария ва амалиёт муштарақлиги

«Вобкент машина-трактор парк» очик акциядорлик жамияти ҳудудига кирган киши амалга оширилган бунёдкорлик ва ободончиликларни кўриб, ҳайратланиши аниқ. Гап шундаки, МТП ҳудудида «Ўзавтосаноат» компаниясининг «Сарипул» МЧЖ дилер корхонаси, «Алоқабанк»нинг Бухоро вилоят бўлими ва МТП таъсисчилигида «Вобкент агротехсервис» МТП МЧЖ шаклидаги янги сервис корхонасининг ташкил этилиши ва унинг керакли дастгоҳ ҳамда ускуналар билан жиҳозланиши муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳукумат талабларини бажариш борасида дастлабки босқичда амалга оширилган ишлар юқори самара берди. Чунончи, «Сарипул» МЧЖ дилер корхонаси томонидан МТПнинг бино ва иншоотлари жорий таъмирланди, озик-овқат экинлари учун алоҳида ерлар очилиб, мевали қўчатлар ўтказилди. Таъмирлаш устахоналари замонавий асбоб-ускуна, дастгоҳлар билан жиҳозланди. Енгил автомобилларга хизмат кўрсатувчи минни станцияни ҳамда юқори унумли қишлоқ хўжалик техникасини таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш ташкил этилди. ОАТ «Алоқабанк»нинг Бухоро филиали эса

МТП МЧЖ умумий устав жамғармасига 135 млн. сўмлик улушини қўшди. Ушбу маблағ эвазига, жумладан, икки минг бош парранда ва 10 бош қорамол учун минни фермалар ҳамда сервис хизмати кўрсатиш учун қурилмиш ишлари амалга оширилди. «Бухоропарранда» ОАЖдан 2 минг бош парранда, вилоят «Чорванасл» МЧЖдан 10 бош зотдор қорамол, «Шўхрат машсервис» МЧЖдан паррандани сақлаш учун махсус турлар харид қилинди. Шунингдек, минни новвойхона қурилиши ақунланиб, унга замонавий ускуналар ўрнатилмоқда. (Давоми 2-бетда)

Булардан ўрнак олинг!

Занг қишлоқ фуқаролар йиғини аҳолиси қарийб 10 минг кишига етади. Туман марказидан 25 чакирим олисда жойлашган мазкур ҳудудда одамларни иш билан таъминлайдиган завод, фабрика ёки бошқа ишлаб чиқариш корхонаси йўқ. Лекин ҳеч ким бекорчи эмас. Шубҳасиз, аҳолини Қ.Тўлаков номи СФУ тасарруфида бўлган 250 гектар галлазор ва пахтазордан келадиغان даромадлар ҳисобига боқиш, иш билан таъминлаш қийин. Шунинг учун ҳам улар ихтиёридаги мавжуд томорқалардан самарали фойдаланиш чоралари кўриляпти.

Ангорлик тадбиркорлар тажрибаси

Бу ерда истиқомат қилаётган етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган киши қайси пайт қарам етиштириш, қачон помидор ўстириш агротехникасини яхши ўзлаштирган. Киш ойлари хўжалик ҳудудидан ўтсангиз, томорқа участкаларининг ҳаммаси плёнка билан қопланган бўлади. Шу йилнинг ўзида «Илғор» маҳалласи ҳудудидаги аҳоли 76,6 гектар, «Баҳор» маҳалласи ҳудудидаги аҳоли 84,3 гектар майдонда қарам етиштиришди. Март ойининг охирида айрим оилалар етилган қарамни бозорга чиқаришди. Бугунги кунга келиб, ҳар икки маҳалла аҳолиси хонадонларидан қарийб 7 минг тонна эртаки қарам узилиб, республикамиз вилоятлари аҳолиси ҳамда Украина, Россия давлатларига олиб чиқиб сотилди. «Баҳор» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Панжи Маматқулов хонадониди бўлди. Бу тадбиркор деҳқон томорқасининг 18 сотихига ўтган йилнинг ноябр ойида уруғи Голландиядан келтирилган «Гренфреш» навли қарам кўчати ўтказганди. — Ерни обдон тайёрлаб, 5 декабрда қарам эккандик. Эгاتлар устига плёнка қопладик. Февралда уни очиб, бўйи бир қарич бўлган қўчатлар парваришини бошладик, — дейди П.Маматқулов. — Чопик қилдик, минерал ва маҳаллий ўғит солиб, изма-из суғордик. Қараб-сизки, қарам март ойининг ўртасида пишиб етилди. Ҳар қилосини 1100-1200 сўмдан сотиб, 15 миллион сўм даромад қилдик. Бизда ер бўш турмайди. Томорқанинг бир четиди помидор кўчати етиштиряпмиз. Ундан ҳам камида 6-7 миллион сўм даромад қиламиз.

Абдусалом Пирматов олий маълумотли мутахассис, «Ангор пахта» ҳиссадорлик жамиятининг тайёрлов бўлимида ишлайди. Маоши тузук. Лекин у қўлларини чўнтагидан чиқармай юрадиганлардан эмас. Ишдан бўш вақтини томорқасига бағишлайди. Бу йил хотини Раъно, ўқаси Илёс, синглиси Мафтунга, онаси Тожихол опа билан бақамти ишлаб, томорқанинг 10 сотихида эртаки қарам етиштиришди ва 6 миллион сўм даромад қилишди. Бундай оилавий тадбиркорлар ҳудудда оз эмас. Масалан, Йўлдош Ҳимматов оиласи 18 сотих ердан 13 тонна қарам етиштириб сотган бўлса, Ҳудойберди Қўлмўминовлар томорқа хўжалигидан ҳозирнинг ўзидаёқ 15 миллион сўм даромад кўрди.

Ангор тумани ҳокимлигида бўлганимизда, эътиборли бир далилни тақдим этишди. 2009-2011 йилларда туман ҳокимлигида Қ.Тўлаков номи СФУда яшовчи фуқаролардан бирорта ҳам шикоят тушмади, жан шал ҳудуддан ҳеч қандай ўғирлик, майда безорилик, ёки шал қайд этилмаган. Демак, уларнинг бекорчи нарсаларга хоҳиши ҳам, вақти ҳам йўқ. — Кишиларимиз оёқ остидаги имконият — ердан кўпроқ самара олиш чораларини излашапти, — дейди Занг қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Йўлдош Қулиев. — Охириги йилларда халқимиз турмуши янада фаровонлашди. Ҳозир хонадонларда 600 дан кўпроқ Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган автоулол бор.

Рустам ДАВЛАТ, «Ishonch» мухбири

Фаоллар йиғилиши

Касаба уюшмалари тизимида фаолларнинг кенгаши олиши соҳа равақига хизмат қилаётир. Утган ҳафтада Наманган вилоят касабаси уюшма ташкилотлари Бирлашмаси кенгашининг катта мажлислар залида ЎзКУФК раиси Танзила Нарбаеванинг вилоятдаги фаоллар билан бўлиб ўтган учрашуви янги-янги гоҳларга туртки берди.

Фаолиятга янгича ёндашув

соҳа тараққиётига хизмат қилади

Юртимизда касабаси уюшмаларининг самарали фаолияти учун қонуний асослар етарли. Бу борада амалга оширилаётган ислохотлар, уларнинг инсон манфаатига қай даражада хизмат қилаётгани ҳусусида сўз юрита туриб, Федерация кенгаши раиси йиғилганлар эътиборини қатор масалалар ечимига қаратди.

Бош келишувнинг имзоланиши ҳам кўпга муаммоларнинг ҳал этилишига туртки бўлди. Эндиги мақсад мазкур ҳужжат асосида худудий, тармоқ келишувларини мазмунан кўриб чиқиш, янги йўналишларни белгилаб олишдан иборат бўлмоғи лозим.

ишлаш, улarga амалий ёрдам бериш, бошланғич касабаси уюшма ташкилотлари фаолиятини таҳлил қилиш, янги касабаси уюшма ташкилотлари тузиш, ходимларни аъзоликка жалб этиш ишларини жонлантириш масаласига жиддий ёндашиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

— Масъулиятли палла — болаларни ёзги соғломлаштириш мавсуми биздан икки ҳисса зийрак бўлиши талаб этади. Шундай экан, оромгоҳлар билан ишлаш ва уларнинг фаолиятини такомиллаштиришга устувор вазифа сифатида жиддий эътибор қаратиш зарур. — деди, шунингдек, маърузачи.

Билдирилган фикрлар юзасидан Маданият ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгашининг вилоятдаги вакили Х.Дадабоев, Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси вилоят кенгаши раиси Р.Деҳқонова, Агроекиннинг мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси вилоят кенгаши раиси А.Ҳайдаров ўз мулоҳазаларини баён этишди.

ЎзКУФК раиси Танзила Нарбаева Ноддавлот нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциациясининг минтақавий конференциясида ҳам иштирок этиб, куннинг долзарб масалаларига тўхталиб ўтди. Мазкур тадбирда фуқаролик жамияти институтлари, ННТ вакиллари фаол иштирок этишди.

Д. РАҲМОНОВА




таларидан Шамсиддин Фазлиев, Жондор Исломов, Шухрат Саъдуллаев, Уғлилой Ёдгорова, Жасур Тешаевнинг хизмати диққатга сазовор. Шунингдек, ўқув амалиётида касб сирларини мукамал ўрнатган устозлар Мурод Шайдоев, Зокир Адизов, Эркин Воҳидов, Нодир Саидов, Рауф Соҳибов, Орзул Маҳмудовнинг ғамхўрлиги нафақат ўқувчиларни, балки ота-оналарни ҳам мамнун этмоқда.

Жорий йилда мазкур коллежни 334 нафар ўқувчи битиради. Уларнинг барчасини иш билан таъминлаш борасида тў...

Назария ва амалиёт муштараклиги

(Давоми. Боши 1-бетда)

Вобкент кишлоқ ҳўжалик касб-хўнара коллежининг «Кишлоқ ҳўжалигини механизациялаштириш», «Усимлик шўнос, фермер ҳўжалигини ташкил қилиш ва уни бошқариш», «Зооветеринар-асаларчи», «Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш» йўналишларидаги 2-, 3-курс ўқувчиларининг 414 нафари, жумладан, МТПдаги мавжуд 14 та трактор, 11 та ҳўрижда ишлаб чиқарилган замонавий ғалла ўриш комбайнининг ҳар бирига 5 нафардан жами 125 нафар ўқувчи жалб этилди. Бундан ташқари, темирчилик, сув насосларини таъмирлаш, тиркамаларни созлаш, техникаларга сервис хизмати кўрсатиш, токарлик ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устаноналари, фойдали хашаротларни ишлаб чиқариш ўқув биноси, сўний қочирини ва зооветеринария ўқув биноси, қорамолчилик, қорақўлчилик, парранда ўқув биналарида, янгидан ташкил этилган боғ, картошка ва сабзавот етишти-



риш майдонларида ишловчи усталарга ҳам ўқувчилар шўғирд қилиб бистририлди. Барча ўқув устаноналарида синфхоналар ташкил этилган бўлиб, унда ўқувчилар амалиётда бажарган кўник ишларини яқини таҳлил қилиб, ҳисоботини кундалик дафтарларига қайт этиб боради. Назария ва амалиёт муштараклигини таъминлаб, етук кадрлар истиқболни белгилашда коллежнинг таъмироти ишлаб чиқариш таълими ус-

мандаги 71 та корхона ва ташкилот билан 3 томонла шартнома имзо чекилган. Амалиётда яқин ишлаб, усталар ишончини қозонаётган битирувчилардан 45 нафарини шў корхонада иш билан таъминлаш борасида ўқувчи, коллеж ва МТП ўртасида уч томонлама шартнома тузилган. Вобкент-кишлоқнинг бу борадаги саъй-ҳаракати нафақат бўҳорликлар, балки қўшни вилоятлар учун ҳам ибрат мактабни ўтаётгани эътиборга лойиқдир.

Шажо Абдушўқурова, Зарина Ботирова ва Насиба Идиева сингари 60 нафар қиз яқинда Жондор кишлоқ ҳўжалик касб-хўнара коллежини битиришади. Утган уч йил улар учун касбнинг назария ва амалий сирларини мукамал ўрганиш даври бўлди. «Устоз-шўғирд» аънанаси асосида турдош корхоналарда ишлаб чиқариш объектларида маҳоратларини оширишди. Энг муҳими, ўқишни битирсам қаердан иш топаман, деган ташвиш йўқ. Чунки уч томонлама — коллеж, битирувчи ва иш берувчи ўртасида имзоланган шартномага кўра тегишли корхона, ташкилот ёки муассасада мустақил фаолият юритишларида кўнглилари тўқ.

Келишувларга бинаоан тумандаги «Жўраева Хўшвақт» хўсусий корхонаси 15 та, «Нўрафшон» оилани ижтимоий ҳимоялаш маркази 7 та, «Нурриддин Қажҳор» ва «Хотамтой» фермер ҳўжаликлари 5 тадан, шў тариха «Шўжоат текстил-маш», «Жондор мөгатекстил сервис» МЧЖ ва бошқа жамоалар ҳам коллеж «Тикувчилик ишлаб чиқариш» гуруҳининг 60 нафар битирувчисига янги иш ўрни яратиб қўйишди.

Иззатулла ХОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири



Агроекиннинг мажмуи ходимлари Кўргентепа туман кенгаши ўз сағига 22354 нафар аъзони бирлаштирган. Кенгаш раиси Т. Жўмабоевнинг таъкидлашича, жорий йил биринчи чорағида аъзолар сони янада кўпайган.

Аъзолар сони ошди

Мастура Иброҳимова таърибали касабаси уюшма раисларидан. У етакчилик қилаётган «Намуна» массив фермер ҳўжаликлари касабаси уюшма кўмитаси сағига бу йил 37 нафар аъзо қўшилди.

Уларга етарли даражада иш ва дам олиш шароити яратилди. Янги сайланган бошланғич ташкилот раиси Т.Хўрбоев аъзолари манфаатларини ҳимоялашда таърибали касабаси уюшма етакчиси М.Иброҳимовадан керакли маслаҳатлар олиб туради.

Абдулҳай ЮНУСОВ. Суратда: М.Иброҳимова ёш касабаси уюшма фаоллари билан

Абдуносир ҚўЧҚОРОВ олган сурат

Касаба уюшма ҳаёти

Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгашининг Фарғона вилоят кенгаши 40 мингдан зиёд соҳа ишчи-ҳодимларини ўз атроғига бирлаштирган.

— Қабулга келган фуқароларнинг шўкоят ва тақлифларини эшитиш, уларнинг муаммоларини ҳал этиб, мушқулларини осонлаштириш учун астойдил ҳаракат қилаёلمиз. — дейди кенгаш раиси Сапура Мўномова. — Иш берувчилар билан музокаралар олиб бориб, масаланинг ижобий ҳал этилишига эришаёلمиз.

Адолат ҳимоячилари

Кенгаш ўз ваколатлари доирасида аъзоларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаётти. Иш берувчилар билан музокаралар ижобий натижа бермаган ҳолларда фуқаролик ишлари бўйича судларга мурожаат қилинган. Жўмладан, «Водийгазтаъминот» УК Фарғона шаҳар филиали чилангари А.Анорбоевнинг қийнаб келаётган масала судда ҳал бўлди.

Шў ўринда айтиб ўтиш жоиз, айрим иш берувчиларнинг меҳнат қонунчилигини дуруст билмаслиги панд бераёттир. Масалан, ишчи-ҳодим меҳнат интизомини биринчи бор бузганида, қонунда интизомий чоралар қўрилиши белгиланган. Бироқ, баъзи раҳбарлар бундай ҳолатда ҳодимнинг дарҳол лавозимидан озод қилишни, бўшаҳ ҳақида ариза ёзишни талаб этишни маъқул кўрмоқда. Ваҳоланки, бу қонунга зид, натижада эса ўз-ўзидан муаммо келиб чиқаёттир. Мисол учун, «ФНКИЗ» ШУК ишчиси Н.Хўшимов ишончага номуносиб ҳолатда (илк марта) келганида, иш берувчи ундан ишдан бўшаҳ ҳақида ариза ёзишни талаб этди. Н.Хўшимов ўша ҳолатда ариза ёзди ҳам, лекин орадан уч-тўрт кун ўтган, кенгашга шўкоят билан келди. Кенгаш томонидан масала жиддий ўрганилди, қонун бузилганлиги таъкидланди, иш берувчи билан музокара олиб борилди, аммо масала ҳалигидек...

Пировардиди касабаси уюшма давбо аризасига бинаоан суд Н.Хўшимовни қайта ўз ишига тиклади. Маъбурий бекор юрган кўнлари учун иш ҳақи ҳамда маънавий зарар ундирилди. Иш берувчи ҳатосини англади, бироқ шўнгача бориш шартми...

Кенгаш соҳага алоқаси бўлмаган кишиларга ҳам имкон қадар ҳуқуқий ёрдам кўрсатмоқда. Масалан, Фарғона вилоят Перинатал маркази ҳамшираси Р.Эргашева касабаси уюшма аралашуви билан ўз ишига қайта тикланди. «Кувамебел», «Фарғонамебел» ишчи-ҳодимлари К.Муродов, А.Ҳасанов, М.Умрзоқов, А.Абдимўмино, М.Фармоновга суд орқали жами 9690000 сўм миқдоридида бир марталик зарар сўммаси ундирилишида ҳамда ҳар ойда меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига муноносиб нафақа тўлаш белгиланишида кўмаклашилди.

Кенгаш фаолиятдан барча мамнун бўлмоқда. Шарофат НОРҚУЛОВА, «Ishonch» мухбири

Қизилтепа туманида яшаймиз. Яқинда «Зарафшон тўлқини» фермер ҳўжалиги раҳбари Бобурхон Ғофуров маҳалламиз хонадонларига бир-бир кириб, бутун умр эл корига бел боғлаб келган катта авлод вакилларини уч кўник олис сафарга чорлади.

Жўмардлик

Эртасига наҳордан маҳалла биноси ёнида тўпландик. «Форд» русумли учқур бедога ўтириб, «Қайдасан, Хоразм?» дея йўлга чиқдик. Қарийб 700 км.лик масофани босиб, Урганчага етиб келдик. Зиёратимиз Паҳлавон Маҳмуд мажмуасидан бошланди. Айниқса, «Бутунжаҳон маданий мерослари рўйхати»дан жой олган Хивадаги «Ичан қалъа» очик музейи бизни ўзига ром этди. 26 гектарга яқин майдон девор билан ўралган. Тўрт дарвозаси бор. Осмонга буй чўзган

минорасини айтмайсизми? Агар Бобурхондек ташкилотчи, кўли очик жўмард йигитлар бўлмаганда, шундай бўйжизакор асору атикаларни кўрмасдан ўтган бўлармик... Сафаримизнинг учинчи кўни кишлоққа кўнгирак қилиб, фермер йигитдан миннатдорчилик белгиси сифатида нима совға олиб боришни сўрадик. У эса дуо қилсак етарли бўлишини айтди. Дарвоқе, фермер ўқамиз Бобурхон эрта баҳорда барча ишчиларини мавсум олдидан Самарқанд-

даги муборак қадамжолар бўйлаб саёҳат қилдириб қайтган экан. Ўқув йили туғаш билан эса худудимиздаги 16-умумтаълим мактаби битирувчиларини Қарши, Шаҳрисабздаги зиёратгоҳлар бўйлаб саёҳат қилдириб қайтишга тайёргарлик кўраётганидан хабар топдик. Отасига минг раҳмат! Орамизда ана шундай саҳоватпеша кишилар кўпаяверсин.

Расул ҳожи РАҲАБОВ, Майрам ая ХУДОЙҚУЛОВА, меҳнат фаҳрийлари

Ижтимоий шериклик

Касаба уюшма ташкилотлари фаоллигини ошириш, улар кўмағида ижтимоий ҳимоя таъсирчанлигини кўчайтиришда Пайариқ туман ёш саёҳатчилар ва ўлкашўнослар маркази ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Марказ маъмурияти ва бошланғич касабаси уюшма ташкилоти томонидан «Бунёдкор», «Кўмчи», «Уймувот» маҳаллалари билан ҳамкорликда турли тадбирлар ташкил этилган. Мактаб — оила — маҳалла

Туман халқ таълими бўлими фаҳрийлар уюшмаси раиси Носир Холмуқов жамоат ташкилоти ҳамкори, ҳомийларидан саналади. Унинг бевосита кўмағи билан Маънавият ва маърифат хонаси ташкил этилди. Айни чоғда

ҳудуддаги 21 та мактабда 7 йўналишда марказ мутахассислари фаолият юритмоқда. Марказ маъмурияти ва бошланғич касабаси уюшма ташкилоти изланувчан, иқтисодий мураббийларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чораларини кўрапти. Жамоадаги ҳар бир ҳодим мурожаати эътиборсиз қолдирилмапти. — Маъмурият ва касабаси уюшма ташкилоти ўртасида тузилган жамоат шартномасининг ҳар бир банди бизни ишга маъсулият билан ёндашишга даъват этаёттир. — дейди ёш саёҳатчилар ва ўлкашўнослар маркази раҳбари Ботир Нурбеков. — Масалани ечишда ҳамфикрлик кўл келаяпти. Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» мухбири

Хавфсиз меҳнат — асосий мақсадимиз

«Sanzar-Lada» масъулияти чекланган жамияти Жиззах воҳасида аҳолига сервис хизмати кўрсатиш ва автомобил савдосида каттагина таъриба тўплаган.

Жамоада меҳнат муҳофазаси доимий эътиборда. Бошланғич касабаси уюшма кўмитаси ва унинг меҳнат муҳофазаси бўйича вакили Камол Азимов жамоат назоратини энг яқини ташкил этганлиги учун республика кўрик-танловидида фаҳрий ўринни эгаллаб, ЎзКУФКнинг дипломи ҳамда пул мукофоти билан тақдирланган эди.

— Ходимларимизга ҳавфсиз ва зарур меҳнат шароитлари яратиш, меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоат назоратини амалга оширишда фаолиятимизни такомиллаштириб бораёلمиз, — дейди корхона касабаси уюшма ташкилоти етакчиси К.Эшонқулова. — Натижада ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш, касалланиш каби нохуш ҳолатларнинг олди олинган.

Корхонада кўп йиллик иш таърибасига эга соловчи-уста К.Азимов бошчилиғида меҳнат муҳофазаси учун зарур шароит яратилмоқда.

— Жами йигирма бир нафар ходимимизнинг меҳнат шароити ва муҳофазаси ҳолатини яқинлаш юзасидан тақлифларимиз маъмурият томонидан вақтида бажарилмоқда, — дейди Камол ака. — Иш ўринлари шаҳодатланди, меҳнат муҳофазаси хонаси ташкил этилиб, зарур кўргазмалар қўрулган, адабиётлар билан бойитилди. Цехларга замонавий асбоб-ускуналар келтириб ўрнатилди. 672 квадрат метрлик асосий цех капитал таъмирланди. Ходимларни махсус кийим-бош, шахсий ҳимоя воситалари, сут-қатик маҳсулотлари билан таъминлаб бориш йўлга қўйилган. Ювиниш хонаси мунтазам ишлаб турибди.

Корхона маъмурияти ва касабаси уюшма ташкилоти ҳамкорлиги иш сифатини ошириш, пировардиди миқозлар кўпайишига хизмат қилаёттир.

Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

Фарғона томонларда

Минтақавий семинар-кенгаш

Фарғона шаҳрида Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгашининг «Бўҳгалтерия ҳисоби миллий стандарти» бўйича минтақавий семинар-йиғилиши бўлиб ўтди. Семинар-йиғилишда тармоқнинг Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари вакилликлари тизимидаги корхона ва ташкилотлар касабаси уюшма ташкилоти ҳисобчилари ва фаоллар иштирок этилдилар.

Катнашчилар бўҳгалтерия ҳисобининг миллий стандарти, касабаси уюшма бюджетни маблағларидан мақсадли фойдаланиш, корхоналар томонидан бериладиган бир фойдали ажратма, корпоратив қарталар очик, моддий ёрдамларнинг қай тариха берилиши ҳамда уларини қизиктирган бошқа масалалар бўйича батафсил маълумот олдилар.

Лойиҳа муҳокамада

Вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама этиш бўйича семинар бўлиб ўтди. Унда вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси М.Хўжаева, бирлашма ҳуқуқшуноси И.Топпулатов, Минтақавий ахборот-таҳлил маркази раҳбари М. Ҳакимов ва бошқалар сўзга чиқиб, лойиҳа юзасидан фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Семинар баҳс-мунозараларга бой ўтди.

С. АГЛАЕВА, Вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши матбуот маркази котиби

Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон

Тўрақўрган Наманган вилоятининг энг пешқадам туманларидан ҳисобланади. Бу ерда етишган эртапишар гилосу узумларнинг таъмию таровати ўзгача. Одамларнинг самимий чехраси, бахтдан порлаган кўзларини кўриб, дилингиз яйрайди. Ҳар тонгини шукр билан қарши олиб, ойни-да ётоғига кузатмагунча, кўзи уйку нималигини билмайдиган замондошларимизнинг фаровон турмуш сирлари, тўкинлики таъминлаш учун яратилаётган имкониятлар қамровини билиш мақсадида туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Нодира Умаровага юзландик.

Шунингдек, жорий йилда паррандалар сонини 216,7 мингга ёки 120 фоизга етказиш таъминланади. Бураматут қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Қалвак маҳалласида саноат усулида паррандачиликни ташкил этиш бўйича 144 та хонадонда 60 тадан парранда боқишни йўлга қўйиш юзасидан тегишли дастур ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, жо-



Муҳаммад КАРИМ олган сурат

Фаровонликнинг қўш қаноти

— Сизни қандайдир ишга бош этишдими, демакки, синов майдонига тушдингиз, — дейди она ҳаётий ақидаси ҳақида гап кетганда. — Мамлакат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётда хотин-қизларнинг тўлақонли иштироки этишини таъминлаш, меннинг билишимча, кўплаб муаммолар ечимига йўл топиш деганидир.

Хотин-қизлар салоҳиятини касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал жиҳатдан ўстириш, соғлом оилани шакллантириш, аёллар ва оила спортини ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, уларни иш билан таъминлаш масалаларини ҳал этиш, айниқса, тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга қаратилган дастурларни тайёрлаш ва амалга ошириш... шулар жумласидандир.

— Мазкур жараёнда бевосита амалий ёрдам кўрсатиш ҳам муҳим...

— Албатта. Туманда 8 та қишлоқ, 1 та шаҳарча ҳамда 72 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, улардаги хонадонлар 44870 тани, аҳоли сони 183 минг 600 кишини ташкил этади. Аҳоли тобора кўрайдиган самарали фойдаланиш ҳамда чорвачилик дастури бўйича ишлаб чиқилган тадбирлар ижросини таъминлаш мақсадида мониторинг юритиш ташкил этилди.

Худудларда хонадонлар намунаси, ўртача, қаровсиз ҳамда томорқасини яхшилаш учун ўзгалар ёрдамига муҳтожлар каби даражаларга бўлиниб, маҳалла фаоллари худуддаги мактабларнинг маънавий-маърифий ишлари бўйича директор ўринбосарлари бошчилигидаги гуруҳларга бириктирилди. Ўзгалар ёрдамига муҳтож кишилар томорқаси тартибга келтирилиб, кўчатлар экилди. Хусусан, Сарой маҳалла фуқаролар йиғини худуддаги ноғирон Аҳмадхон Тоштемиров хонадонда етти нафар ҳашарчи 6 сотих томорқани чопиб, картошка ва бошқа сабзавотлар экишди, ҳовли четига мевали кўчатлар қадашди.

Шунингдек, Катағон, Тошлоқ, Ўзбекистон, Хўжанд, Бураматут, Холматов, Ёртепа, Аҳси билан таъминлаш масалаларини ҳал этиш, айниқса, тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга қаратилган дастурларни тайёрлаш ва амалга ошириш... шулар жумласидандир.

— Соҳани модернизация қилиш, чорвачилик фермер хўжаликларини ривожлантириш, уларнинг рентабеллигини ошириш, қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришда, биринчи навбатда, озуқабоп экин майдонларидан самарали фойдаланишга эришиш, маҳсулдорлигини оширишни таъминлайдиган интенсив технологиялардан кенг фойдаланишни жорий қилиш, маҳсулотни қайта ишлаш ҳажмларини ошириш орқали ички бозорнинг арзон ва сифатли маҳсулотларга бўлган талабини қондириш, наслчилик ишларини янада ривожлантириш, унинг мустақам озуқа базасини яратиш, озуқа ўрми-йиғим техникалари ва бошқа зарур асбоб-ускуналар таъминотини янада яхшилаш бўйича ишларни амалга ошириш.

— Деҳқончилик баробарида қорамолчилик, парранда, балиқ ва асалари боқиш ҳам элимизнинг қадимий машғулотларидан саналади. Зеро, уларнинг ҳар бири бежизга етти хазина асосларини ташкил этмайди. Бу борада туманда қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Соҳани модернизация қилиш, чорвачилик фермер хўжаликларини ривожлантириш, уларнинг рентабеллигини ошириш, қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришда, биринчи навбатда, озуқабоп экин майдонларидан самарали фойдаланишга эришиш, маҳсулдорлигини оширишни таъминлайдиган интенсив технологиялардан кенг фойдаланишни жорий қилиш, маҳсулотни қайта ишлаш ҳажмларини ошириш орқали ички бозорнинг арзон ва сифатли маҳсулотларга бўлган талабини қондириш, наслчилик ишларини янада ривожлантириш, унинг мустақам озуқа базасини яратиш, озуқа ўрми-йиғим техникалари ва бошқа зарур асбоб-ускуналар таъминотини янада яхшилаш бўйича ишларни амалга ошириш.

рий йилда 10 минг бош парранда боқишга ихтисослашган 2 та паррандачилик фермер хўжалигини ташкил этиш белгиланган.

Асаларчилик субъектлари сонини 77 тага, асалари оилалари сонини 1105 тага, асал ишлаб чиқариш ҳажминини 14,1 тоннага етказиш режалаштирилди.

— Эл фаровонлиги йўлидаги ибратомуз ишларда ҳамкорларингиз сифатида қимиларни кўрсатган бўлардингиз?

— Ҳар бир ишимизда ҚФЙ, МФЙ, касабга уюшма фаоллари елкадош бўлишди. Сабаби «ҳам ота, ҳам она» дея таърифланувчи маҳалладан қадимий асло айро эмас. Ҳар бир ишимиз шу муқаддас масқандан бошланади. Эл билан юзма-юз бўлувчи ҳар қандай тузилма «маҳалла кўприги»дан ўтиши табиий. Бизнинг мақсадимиз ўша ерда яшовчилар фаровонлиги билан вобаста экан, ниётларимиз муштарак бўлиши, бир сафда қадам ташлашимиз ҳам фақатгина шу эл манфаати учундир.

— Яна бир қанотимиз сифатида касабга уюшмаларини ташкил қилган бўлардим. Чунки дастурхонининг тўкинлигини кўзлаётган одамларнинг ақсари янада шу жамоат ташкилотига аъзо бўлишди. Ҳамфикр, елкадош сифатида инсон азиз тутилган макон ободлиги учун барчамиз бирдек масъулмиз. «Ishonch» муҳбири Дилдора РАҲМОНОВА суҳбатлашди.

Юртимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ маҳалла ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайтирилиб, жамиятда унинг ўрни ва нуфузи белгилаб қўйилди. Бу йилги маҳалла раисларининг сайловлари демократик тамойиллар асосида, ҳар томонлама мукаммал ўтказилаётгани ҳам бунга бир мисолдир.

Маҳалла — юрт таянчи

Ана шу мақсадни кўзлаб Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари қарорига асосан худудларда сайловга қумқлашувчи комиссиялар, фуқаролар йиғини кенгашлари қарорига биноан эса бевосита маҳаллаларда сайловни ташкил этишга доир ишчи гуруҳлар тузилди. Хусусан, Навоий шаҳри худуддаги маҳаллаларда сайловни муваффақиятли ўтказиш учун 30 та ана шундай гуруҳлар иш олиб бормоқда. Сайловларда 340 та фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ҳамда 3700 нафарга яқин раис маслаҳатчиси сайланиши назарда тутилган.

Турсун САМАТОВ, Халқ депутатлари Навоий шаҳар кенгаши депутати

Ободлик кўнгилдан бошланади

Марғилон шаҳар таълим муассасалари таркибида 5892 нафар касабга уюшма аъзоси бўлиб, 865 нафар кам таъминланган ходим ва 49 нафар ноғиронга алоҳида ғам-хўрлик кўрсатиляпти.

— Иш берувчилар билан бошланғич касабга уюшма кўмиталари ўртасида тузилган жамоат шартномалари ҳар бир таълим даргоҳида мавжуд, — дейди шаҳар таълим ва фан ходимлари билан касабга уюшма кўмитаси раиси Содикжон Маҳмудов. — Шунга қўра, ойлик маошларнинг вақтида берилиши, таътил даврида саломатлики тиклаш масалалари ҳаммаша кўн тартибда. Жорий йилнинг биринчи чорағида 9 нафар халқ таълими ходимига «Чимён», «Шаҳанд», «Чортоқ», «Зомин», «Зилло» санаторий ва дам олиш масканларига йўлланма ажратилди, 84 та кам таъминланган оилга моддий ёрдам берилди.

Муҳаммадхон МАҲМУДОВ, меҳнат фахрийси

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида республика Давлат божхонаси томонидан ўтказилган матбуот анжумани «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ноқонуний олиб чиқилишига қарши чора-тадбирлар» деб номланиб, унда соҳада амалга оширилаётган ишлар хусусида батафсил маълумот берилди. Хусусан, аҳолининг эҳтиёжларини барқарор таъминлаш, ички истеъмол бозорини мамлакатимизда етиштириш бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўлдириш борасида олиб борилаётган кенг қамровли ишлар фаровонликка хизмат қилмоқда. Жумладан, 2010 йилда биргина ялли қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажми 6,8 фоизга ортди. Жорий йилнинг биринчи чорағида эса кўрсаткич 5,8 фоизни ташкил этди.

Бозорларимиз тўкин бўлсин деб

Этиборли жиҳати тадбиркорларимизнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нафақат юртимиз бозорларида, балки хорижда ҳам ўз харидорларини топмоқда. Экспорт учун барча қонуний имконият ва шарт-шароитлар яратилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 8 майдаги «2008 йилда мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари ва узум ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан экспорт қилишнинг амалдаги тартиблари белгилаб қўйилган. Мисол учун, ҳўл мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари ва узум экспорти билан «Узулгуржисавдоинвест» уюшмаси, «Матлуботсавдо» худудий акциядорлик компаниялари ва уларнинг юридик шахс макомига эга бўлган бўлималари шуғулланса, курилган ва музлатилган мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари, узум, шунингдек, дуқакли маҳсулотлар экспорти мулкчилик шаклидан қатъи назар юридик шахслар томонидан амалга оширилади. Республикамиз божхона органлари аҳолининг ижтимоий-иқтисодий даражасини янада кўтариш, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва ички бозорни химоялаш, республиканинг экспорт салоҳиятини ошириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захирасини сақлаб қолиш борасида изчил фаолият юритаяпти. Бошқача айтганда, нафақат республика худудига контрабанда йўллари билан товар-моддий бойликларини олиб кириш, балки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ноқонуний олиб чиқилиши ҳам жиддий назоратга олинган. Масалан, 2011 йилнинг 15 майга қадар Давлат божхона кўмитаси ва унинг худудий органлари томонидан турли товар моддий бойликларининг ноқонуний айлануви бўйича 121,2 миңдан зиёд қонунбузарлик ҳолатига барҳам берилди. Шундан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг божхона чегаралари орқали олиб ўтилиши билан боғлиқ 923 та ҳолат аниқланди, 909 тонна маҳсулот ноқонуний олиб ўтилишининг олди олинди.

Ш. НОРҚУЛОВА

«Биз — бунёдкор халқимиз» танловига



Яшараётган Қўқон


Э.ТУРСУНОВ олган суратлар

...Ўшанда Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабга уюшмаси Марказий кенгашининг Хоразм вилояти бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг тармоқ йиғилиши бўлаётгани. Йиғилиш раиси Одибек Жалолов фаолиятга оид бир қанча масалаларда тушунтириш берди. Саволларга жавоб қайтарди. Яна қимда саволлар бор, деб залга мурожаат қилганда бир ходима ўрнидан туриб, Урганч шаҳар Давлат солиқ инспекциясида кадрлар бўйича назоратчи экани, лекин уни ноҳақ ишдан бўшатишганини айтиб, ўзини тутта олмасдан йиғилди юборди.

Замингай вазмин-у, меҳнаткаш, мушфиқ

Маълум бўлишича, ишдан бўшатишдан Муборак Раҳимова айрим ҳужжатларни қалбақлаштирилганда айбаниб, унга нисбатан жиноят иши ҳам қўзғатилган экан. Одибек қонунга суянган ҳолда иш тугди. Қўп ўтмасдан, ходима фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан вилоят Давлат солиқ бошқармасига ишга қайта тикланди, моддий ва маънавий зарарлари тўлиқ ундириб берилди. У ҳозир ҳам ўз соҳасида фаолият кўрсатиб келмоқда. Одибек ака билан суҳбат жараёнида унинг касабга уюшма аъзоларига сидқидилдан кўрсатиб келаятган қўллаб-қувватлашлари гауво бўлди. Масалан, Фотира Жабборовна вилоят статистика бошқармаси бошлигининг хатти-ҳаракатлари-ю, ходимлар ойлик маошларини вақтида бермаганлиги, Замира Ўскинова Гурлан туман ижтимоий таъминот бўлимидан, Маҳмуд Сапаев вилоят божхона бошқармаси, Назира Собирова эса Хонқа туман ижтимоий таъминот бўлимидан ноқонуний равишда ишдан бўшатишлари учун ёрдам сураган. Шунингдек, бир қанча ходимлар аттестация, моддий ёрдам, иш берувчи томонидан интизомий жазо чоралари ноқонуний қўлланганлигини баён этишган.

Иброҳим ЮСУПОВ, ҳуқуқшунос Урганч шаҳри



Оромгоҳлар мавсумга шай

Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касабга уюшмаси Марказий кенгаши ташаббуси билан Тошкентдаги «Сихаттоҳ» санаторий-профилакторийида тасарруфдаги болалар оромгоҳларида ёзги соғломлаштириш мавсумини янгиача ёндашув асосида уюшқоқлик билан ўтказиш борасида семинар-кенгаш ташкил этилди.

Кенгаш раиси Уринбосари Ш.Бегматов компания корхоналари тасарруфдаги болалар оромгоҳларининг 2010 йилги ёз мавсумидаги фаолияти яқунлари ҳақида ва 2011 йил ёз мавсумига тайёргарлик борасида батафсил ахборот берди. Утган йили фаолият юритган оромгоҳларнинг 16 таси Болаларни соғломлаштириш ва дам олдириб бўйича Республика доимий комиссияси қарорига бўлиб илгор ва ҳар томондан бошқаларга намуна бўлган оромгоҳлар деб...

тўғрак раҳбарлари, маънавий тарғиботчилар ва техник мутахассислар танлаб олинди. Бу йил «Қибрай», «Янги авлод», «Бурчмулла», «Темирйўлчи», «Дўстлик» оромгоҳлари ва Қўнғиротдаги профилакторийида соҳа ишчиларининг 6850 нафар фарзандларини соғломлаштириш мўлжалланмоқда. Компания тизимидаги 5 та оромгоҳнинг 4 таси 4 навбатда, биттаси 3 навбатда, «Қўнғирот» профилакторийида эса 5 навбатда иш олиб борилади. Профилакторийида дам олган болалар ҳордиқ чи...

ги сўлим маскан — «Қибрай» оромгоҳида бепул дам олдирилди. Уларнинг поезда келиб-кетишлари ҳам компания томонидан бепул ташкил этилди. Қарши ва Термиз минтақавий темир йўл узели темирйўлчиларининг 640 нафар болаларини Қашқадарё-Сурхондарё воҳасидаги бошқа соҳа оромгоҳларида соғломлаштириш режалаштирилган. Бунинг учун ижтимоий суғурта ва касабга уюшма бюджетли маблағларидан фойдалана...

қариш чоғида малакали шифокорлар ёрдамида даволашни муолажаларини ҳам олишадди. Бу йил ҳам экологик жиҳатдан оғир бўлган Оролбўйи ҳудуди темирйўлчиларининг болаларини соғломлаштиришга катта эътибор қаратилган. Бунинг учун тармоқ келишувига кўра, компания томонидан улар учун ажратилган 10 млн. сўм маблағ ҳисобига Қўнғирот ва Хоразм темирйўлчиларининг 80 нафардан ошиқ фарзандлари Тошкент вилоятида...

ниш кўзда тутилган. Болаларнинг мазмунли ҳордиқ чикаришини таъминлаш мақсадида Марказий кенгаш томонидан бадий адабиётлар ва спорт анжуманлари сотиб олиш учун оромгоҳларнинг ҳар бирига 800 минг сўмдан, «Қўнғирот» профилакторийига эса 2 млн. сўм ажратилди. Компания тасарруфдаги «Локомотив» МЖСК мутасаддилари томонидан оромгоҳларда спорт мусобақалари уюштириб борилади. Марказий темирйўлчилар маданият саройи билан ҳамкорликда турли маданий ва маърифий тадбирларни ўтказиш ҳам режалаштирилган. Аҳдам ДАМИНОВ

Таътил мароқли ўтади

Қашқадарёда ёзги соғломлаштириш мавсумига бағишланган семинар бўлиб ўтди

Вилоятда бу йил мактаб ўқувчиларининг таътилни мазмунли ўтказишига алоҳида масъулият билан ёндашилмоқда. Мавжуд 19 та болалар оромгоҳи мавсумга шай қилиб қўйилди. Вилоят ҳокими ва касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раёсатининг 2011 йил 7 февралдаги қўшма қарорига мувофиқ болалар оромгоҳларидаги аҳвол жиддий ўрганиб чиқилиб, тегишли чора-тадбирлар кўрилди. Жумладан, «Шўртангазиме» мажмуасига қарашли «Лочин», Муборак газни қайта ишлаш заводи тасарруфдаги «Нихол», «Муборакнефтогаз» унитар шўба корхонасига қарашли «Ёш алангачи», Талимаржон иссиқлик энергия марказининг «Соҳибқирон», вилоят касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси тасарруфдаги Улугбек номи оромгоҳларида янги болалар ётоқхоналари, маданий-маърифий тадбирлар учун бинолар барпо этилди. Барча оромгоҳларда «Маънавият ва маърифат» хоналари, кутубхоналар ва тўғрак машғулоти, спорт ўйинлари учун мўлжалланган иншоотлар болалар дидига, қизиқишларига қараб қайта жиҳозланди. Соғломлаштириш мавсумида оромгоҳларни етарли озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуksиз таъминлаш юзасидан тегишли савдо, озиқ-овқат базаларига лимит ажратилди. Бундан ташқари, оромгоҳларга йирик фермер хўжалиқларидан арзон нарҳда сифатли гўшт, सबзавот, полиз маҳсулотлари олиш мўлжалланган. Болаларнинг ёши ва қизиқишига қараб, вилоят касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси, халқ таълими, маданият ва спорт ишлари бошқармалари, «Камолот» ЁИҲ билан ҳамкорликда қўшма тадбир қабул қилинди. Унга кўра, оромгоҳларда барча маданий-маърифий тадбирлар бепул ташкил этилиб, тадбирлар мазмуни давлатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига қаратилади. Исмат ОЧИЛОВ

Маънавий жасорат — энг буюк жасорат

Болани сувга туширмай, сузишга ўргатиб бўлмайди. Худди шунингдек, фарзандларимизни дидиллик, жасурлик талаб қилмаган ҳолатларга ўргатмасак, жасорат тарбиясини махсус иш деб билмасак, улар ўзидан-ўзи жасур бўлиб қолмайди. Президентимиз «Оксак маънавият — энгилмас куч» китобида асослаб берган тарбиявий ёндашув тамойилига кўра, болани оила муҳитидан бошлаб эзгу фазилатларга, жумладан, жасурликка ўргатиб бориш керак.

Модомики, бугун ёшларни дунёдаги энг илгор билим ва технологиялар, касб-ҳунарлар билан қуроллантираётган эканмиз, энди ана шундай шиддат билан уларни тарбиялашнинг энг янги тамойили — Шахс, Давлат, Миллат манфаатлари учун энг муҳим фазилатларни ўргатиш технологиясини яратилиши керак. Чунки билим масаллик бўлса, фазилат оловдир. Оловсиз овқат пиймаганидек, ёниқ қалб, ирода, рух, жасорат бўлмаса, бор билимларнинг ўзи билан янги кашфиётлар қилиб бўлмайди. Тарихнинг ўзи гувоҳ — жасурлари кўп миллатлар — голиб, жасурлари кам миллатлар — мағлуб бўлган. Шундай экан, биз фарзандларимизни ер юзининг энг жасур ёшлари этиб тарбиялашимиз керак. Агар шу мақсадни амалга ошира олам, биз ер юзидан ана энг илгор халқлардан бирига айланамиз: илмда, технологияда, сифатли товар ишлаб чиқаришда, жисмоний ва маънавий камолотда, санъат, маданият ва спортда юксак натижаларга эришамиз.

Жасорат — ботирлик, дидиллик, тантлиқ, шердиллик. Жасоратнинг акси — қўрқоқлик, мутелик, хафсаласизлик, иккиланувчанлик. Муге, юраксиз савдогар таваккал қила олмайди, бойлигини орттира олмайди, қўрқоқ одамлар туфайли халқлар ўз озодлигидан, миллий давлатчилигидан, мустақиллигидан ажраллади. Жасур одамлар эса бу хатоларни тузатади, миллат — озод этилади, давлат — мустақил бўлади. Президентимизнинг 1 сентябрни Мустақиллик куни деб эълон қилиши чинакам жасорат тимсолидир.

Маънавий жасоратга ўз фикрига эга, сабрли, интилувчан, тиришқоқ кишиларгина қодир. Ёқимли нарсани эмас, зарур нарсани бажаришга ўзини мажбур қилиш маънавий жасорат шартидир. Бинобарин, болаимизга, неварамизга унга ёқимли эмас, балки зарур ишни қилишни ўргатишга киришмоғимиз керак. Жасоратнинг намоён бўлиш даражалари ҳар хил бўлади. Ватан, халқ манфаатлари йўлида, жанг майдонларидан жасоратга доир истаганча мисол келтиришимиз мумкин. Бугун эса жасорат майдони, имкониятлари бутунлай ўзгарди. Энди жасорат учун жангга кириш, олов йўлида қалқон бўлиш шарт эмас. Бунинг учун ақлни ишлатиш керак. Масалан, интеллектуал жасорат — иқтидор, илмий, ижодий меҳнатни Ватан равнақи йўлида сафарбар қилишни талаб этади.

Маънавий жасорат, бу — фозил одамлар жасоратидир. Жонларнинг нияти ҳам, «жасорат»и ҳам хоҳил бўлади. Баланд тоғ устидан бир харсанг тошни юмалатиб юборинг. Узоғи билан 4-5 дақиқада ерга тушади. Энди ана шу харсанг тошни баланд тоғ тепасига қайтариб чиқаринг. Қанча вақт, қанча куч кетади? Улкан харсангни бир кишининг ўзи ҳийла билан тагини қовлаб, пастга юмалатиб юбориш керак. Бироқ уни қайтариб, юксакликка, жойига қўйиш учун минглаб одам, демак, минг қара кўпроқ вақт керак. Пастга туши(ри)ш осон, юксал(тир)иш қийин! Биз бугун бир вақтлар оламга ибрат бўлган ўзбек давлатчилиги шавкати, шони, шарафини жойига — юксак ўрнига кўтараямиз. Юксалтириш қийин иш экан. Чўққидан 2-3 дақиқада юмалаб тушган тошни 2-3 дақиқада жойига чиқариб қўйишни орзу ёки талаб қилиш ақлдан эмас. Бу ишга қанча кўп одам елкасини қўйса, шунча тезлашади, тез битади. Оғир юк остига 5 киши кирса, ҳалок бўлади, 10 киши майиб, 100 киши қийналади, 1000 киши уни бемалол кўтаради. Миллий гоёмиз ҳар биримизни ана шу маънавий жасоратга — ҳеч бўлмаса 1000 кишининг биттаси бўлишга қайтиради.

Аҳрор ЭРГАШЕВ, Республика Маънавият тарғибот маркази масъул ходими

Ўзбекистон автомобил, дарё, электр транспорти ва йўл ҳўжалиги ходимлари касабга уюшмалари Марказий кенгашининг вилоят вакилчилиги (х/р 20212000200939595001, х/р 20212000800939595004) Ипотека банк Наманган, МФО 00223, ИНН 200055678) Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари сановати ходимлари касабга уюшма Марказий кенгашининг вилоят вакилчилиги (х/р 20212000400467929001, х/р 20212000600467929002) Ипотека банк Наманган, МФО 00223, ИНН 201763628) билан бирлашиб, ягона «Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касабга уюшмаси вилоят кенгаши» (х/р 20212000400467929001, х/р 20212000600467929002) Ипотека банк Наманган, МФО 00223, ИНН 201763628) 2011 йил 1 июлдан фаолият кўрсатади. Барча дебитор, кредитор қарздорлик бўйича 226-32-15, 226-51-08 телефонларига муурожаат қилишларини сўраймиз.



Болажонлар яйрашди

Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармасида Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабга уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши ва Бош бошқарма бирлашган касабга уюшма қўмитаси ҳамкорликда Халқаро болаларни ҳўймоя қилиш куни муносабати билан ички ишлар идораларининг хизмат вази фасини бажараётган вақтда ҳалок бўлган ходимлари фарзандлари учун байрам тадбири ўтказди.

ИИББ ва тизимда хизмат вақтида ҳалок бўлган, тан жароҳати олиб вафот этган ҳамда кам таъминланган ходимларнинг оилалари ва фарзандлари гуллар билан қутиб олиниб, 50 нафар болажонга совға улашилди. Тадбир иштирокчилари Бош бошқарма ҳовлисидаги Хотира ва Қадрлаш мажмуасига гулчамбарлар қўйишди. Шундан сўнг, тақлиф этилганлар махсус автобусларда «Диснейленд» ва Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғларига бориб, болалар аттракционларида мириқиб ўйнадилар. Уларга сўлим боғда байрам дастурхони ташкил этилди. — Ушбу тадбир кемтик кўнглимизга таскин берди, — дейди марҳум катта сержант Авазхон Ҳасанхўжаевнинг турмуш ўртоғи Рихсия Ҳасанхўжаева. — Бу ерга фарзандларим Қамола ва Бахтиёрни олиб келдим. Уларнинг чеҳрасида хурсандчиликни кўриб, тадбир ташкилчиларидан миннатдор бўлдим.

Комила БОЙМУРОДОВА, «Ishonch» муҳбири. Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Пойтахтга саёҳат

Металлургия ва машинасозлик сановати тармоқлари ходимлари касабга уюшмаси Тошкент вилоят кенгаши Халқаро болаларни ҳўймоя қилиш кунига бағишлаб тадбир ўтказди. Ангрен шахрида жойлашган «Ўзмахсусюктранс» унитар корхонасида меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларнинг 44 нафар фарзанди пойтахтимизнинг Мустақиллик майдони, Темурийлар тарихи Давлат музейи ва бошқа диққатга сазовор жойларда бўлишди. Саёҳат нихоясида болажонларга ўқув қуролларидан иборат совғалар топширилди. Ўа муҳбиримиз



Оқтошнинг хушманзара худудида жойлашган «Оникс» (Миконд) ОАЖга қарашли «Нурафшон» болалар соғломлаштириш оромгоҳи

2011 йил ёз мавсумига талабномалар қабул қилади ва йўлланмалар сотади.

Соғломлаштириш мавсуми 4 сменада ташкил этилиб, ҳар бир смена 15 кундан иборат. Мавсумнинг бошланиши 2011 йил 18 июндан. Йўлланманинг баҳоси 220 000 сўм. Қийматига 5 мартга овқатланиш, ҳар хил спорт ва маданий тадбирлар, тоғларга сафарга чиқиш, бассейнда чўмилиш, тўғрақлар, транспорт харажати. Болалар билан малакали мутахассислар шугулланади. Йўлланмаларни улгуржи баҳоларда олувчиларга чегирмалар мавжуд. Оромгоҳ манзили: Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Хондойлиқ кишлоғи. Муурожаат учун манзил: 10057. Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Янги Олмазор кўчаси-51. «Оникс» (Миконд) касабга уюшма қўмитаси. Тел: 248-52-05, 248-21-40, 248-21-50.

Ён дафтардан

- Ақл ва фаросат иш бермаган жойда аравани гумроҳлик тартади.
• Ўлимдан кўрқиб яшашнинг ўзи бемаврид ўлимдир.
• Ҳаракат — ҳаёт манбаи.
• Мозийнинг душмини наинки бугуннинг, балки эртанинг ҳам душмандир.
• Буюкликнинг негизи камтарликда.
• Қарилкининг гаштини уни суратгандаргагина билади.
Абдулла УМРЗОҚОВ Гулистон шаҳри

Ўтганларнинг охири ошад бўлсин Навоий вилоят касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, вилоят тармоқ касабга уюшма кенгашлари жамоалари Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касабга уюшмаси Марказий кенгашининг масъул ходими Марзия Исоқова ҳамда вилоят касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раисининг ўринбосари Нормурод Исоқова волидан муҳтарамаси МАҒБИРАТ яннинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Advertisement for 'Insonga naf keltirish' featuring contact information for 'Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi', 'Bosh muharrir: Abduxoliq Abdurazzoqov', 'Tahrir hay'ati: Normamat ALLAYOROV, Nosirun AKBAROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV', 'Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti, Huquq va xalqaro hayot, Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash, Reklama va e'lonlar', 'Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy', 'Nashr ko'rsatkichi: 133', 'Navbatchi muharrir: A.Toshev, A. Arslonov, N. Maxamov', 'Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H. Abdullajilov', 'Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.', 'Bosishga topshiriш вақти - 21.00, Topshirildi - 19.30, Буюртма Г — 651, 19766 нусxada bosildi, 1 3 4 5